

# Ҳамкорлар

02.02.2021 841

Кафедрамиз профессор-ўқитувчилари Республикаиздаги бир қанча олий таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Жумладан, таянч олий таълим муассасалари: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Наманган мұхандислик-педагогика институти, Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизими кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтлари профессор-ўқитувчилари, мутахассислари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳамкорлик асосида ўқув-услубий қўлланмалар яратилмоқда. Бундан ташқари институтга бириктирилган 30 га яқин қишлоқ ва сув хўжалиги соҳа йўналишларига ихтисолаштирилган қасб-хунар коллажлари ҳамда 2 та институт қошидаги академик литеялар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Кафедрада инноватсион ҳамкорлик соҳасида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ўрта маҳсус таълими бошқармасидаги Қибрай қишлоқ хўжалиги қасб-хунар коллажи, Янгийўл қишлоқ хўжалиги қасб-хунар коллажи, Қибрай энергетика қасб-хунар коллажи, Геодезия картография қасб-хунар коллажи, Гидрометеорология қасб-хунар коллажи, Бўка агросаноат қасб-хунар коллажларии билан шартномалар имзоланган бўлиб, шартнома бандидаги вазифалар бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2018-2019 ўқув йили давомида Қозоғистоннинг “Сырдария” университетининг “Педагогика, психология” кафедраси билан, Федеральное государственное автономное образовательное учреждения «Российский государственный профессионально-педагогический университет» билан ҳамкорлик шартномалари тузилди. Шартнома асосида ҳозирда “Практика изучения дисциплины «Методика профессионального обучения» в вузах республики Узбекистан” номли мақоласини ҳамкорликда “Sustainable Agriculture” журналининг июль ойида чоп этишга топширилди.

Россия Федерациисининг йил давомида “Среднее профессиональное образование”, “Высшая школа”, «Школа будущего», «Журнал научных и прикладных исследований» халқаро илмий журналларида кафедра профессор-ўқитувчилари, таянч докторантлар, мустақил изланувчи ва иқтидорли талабаларнинг мақолалари чоп этиб келинмоқда. Профессор -ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар томонидан республика ва халқаро илмий журналларда, бундан ташқари Челябинск, Чита, Самара, Москва шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманларда мақолалар чоп этилди. Ҳозирда Германия давлати билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, чет эл адабиётларини ўрганиб таҳлил қилиш, Профессионал таълим бакалавриат йўналиши ўқув режасидаги умумкасбий ва ихтисослик фанларига хорижий давлатлар адабиётларидан мавзуларни киритиш, фандастурларини такомиллаштириш масалаларига кафедрада алоҳида эътибор қаратилган.